

Фаришталар ҳам ҳаё қилгувчи инсон

Image not found or type unknown



07:00 / 18.12.2018 4558

Имом Муслимдан ривоят қилинади: “Оиша розияллоҳу анҳу айтадилар: “Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларида ёнбошлаб ётган эдилар, болдирлари очик эди. Абу Бакр розияллоҳу анҳу келиб, киришга изн сўради. Унга изн бердилар. У кирганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у билан ўша ҳолда гаплашдилар. Кейин Умар розияллоҳу анҳу келиб, у ҳам киришга изн сўради. Унга изн бердилар ва у билан ҳам ўша ҳолатда гаплашдилар. Сўнг Усмон розияллоҳу анҳу киришга изн сўраган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтириб, кийимларини тўғриладилар. Мен: “Эй Аллоҳнинг Расули, Абу Бакр кирганида у билан чиройли кўришмадингиз, унга эътибор ҳам бермадингиз. Кейин Умар кирди. У билан ҳам чиройли кўришмадингиз, эътибор ҳам бермадингиз. Усмон кирганида эса ўтириб, кийимларингизни тўғриладингиз-а?” дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Фаришталар ҳам ҳаё қилгувчи**

одамдан мен ҳаё қилмайинми?” дедилар.

“Солиҳлар гулшани” китобидан